

ТОШКЕНТ ОҚШОМ

XXI саҳоси

Барча маъбалардан олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

- Марказий сайлов комиссиясининг йиғилишида бўшаб қолган ўринларга 14 та сайлов округи бўйича Олий Мажлис депутатлигига бўлажак сайловларга тайёргарлик масалалари кўриб чиқилди. Депутатликка 27 номзод расмий равишда рўйхатдан ўтказилди.
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Кенгаш парламентнинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитасининг фуқаролар йиғинлари расмлари (оқсоқоллари) ҳамда уларнинг маслаҳатчиларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган ваколатлари муддати туғашу муносабати билан жорий йилнинг май-июнь ойларида бўлиб ўтган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов натижалари тўғрисидаги ахборотини тинглади.
- Олий Мажлисининг ёшлар ишлари бўйича кўмитаси аҳоли, жумладан йигит ва қизларнинг иш билан бандлиги муаммоларини муҳокама қилди.
- Бундан қарий олти йил муқаддам Тошкентда Марказий Осиёда ягона Кўролли Кучлар академияси ташкил этилган эди. Пойтахтимиздаги Марказий Офицерлар уйда харбий академиянинг навбатдаги битирувчиларини хизмат жойларига қузатишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.
- Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташаббуси билан битирувчиларга бакалавр дипломларини топшириш тантанали вазиятда ўтказилмоқда. Шундай тадбирлардан бири Тошкент Давлат миллий рақс ва хореография олий мактабида ҳам бўлиб ўтди.
- Самарқандда мамлакатимизда фаолият юритаётган «Ўзбекистон — АҚШ» дўстлик жамиятининг бўлими ташкил этилди.
- «Навоийполиграфсервис» тижорат корхонаси Нурота шаҳрида «Нурбулоқ» деб номланган шифобахш газли сувни сотувга чиқарди. Навоий кон-металлургия комбинатининг Марказий ва Шимолий кон бошқармалари савдо корхоналари таркибиде инсон организмига керакли бўлган 13 хилдаги маъдани бириктирган «Нурбулоқ» сувининг биринчи миқозлари бўлди.
- Жиззах вилоятининг Фориш туманида Олмалик кон-металлургия комбинати мутахассислари қора мрамрни қазиб олмақдалар. У эндиликда экспортга ҳам чиқарилмоқда. Жумладан, Москва метрополитенининг айрим бекатлари ана шу мрамр билан жиҳозланади. Ўзбекистон мрамрига дунёнинг кўпгина мамлакатларида катта қизиқиш билдирилмоқда.
- Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги кардиология илмий-тадқиқот институти шифокорлари ва профессорларидан катта гуруҳи мамлакат вилоятларида кардиология марказларининг, оилавий поликлиникаларнинг, қишлоқ врачлик пунктларининг шифокорлари учун сайёр семинарлар ўтказди. Мутахассислар бир неча қишлоқ врачлик пунктларида беморларни кўздан кечирдилар.

Газета 1966 йил 1 июндан чиқа бошлаган № 82 (9.579) 2001 йил 16 июль, душанба Сotувда эркин нархда

10


Шу азиз Ватан — барчамизники!

ЮНУСОБОД ТУМАНИ

КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА



ЖОНАЖОН ЎЗБЕКСТОНИМИЗ мустақилликка эришган 10 йил мобайнида шундай оламшумул ўзгаришлар амалга оширилдики, у чиндан ҳам асрларга тенг йиллар сифатида тарих зарварларидан ўрин олади. Хозирда Мустақиллигимизнинг кутлуг санасини гўзал юртимизда истиқомат қилувчи ҳар бир фуқаро гўр ва ифтихор билан кўтиб олмақда. «Оқшом» газеталари давлатимиз пойтахти туманларида Энг азиз, энг улуг байрамни қандай кўтиб олинаётгани тўғрисидаги махсус саҳифа ва туркум мақолаларни чоп этишни йўлга қўйди. Бу саҳифаларда келажак буюк ва озод юртининг фуқаролари — захматкаш ва ажойиб хамюртларимизнинг шу кунларда кўнглидан кечиб ўтган ҳис-туйғулари, ўн йил мобайнида эришилган ютуқлар ҳақидаги дил сўзлари ўз ифодасини топади.



- Юнусобод туманининг умумий майдони 4106 гектарга эга бўлиб, бу ерда 289,1 миң киши истиқомат қилади.
- Хозирда ишлаб турган 39 санаот корхоналари ишлаб чиқарган маҳсулотлар ҳажми 2000 йилда 17937,4 миллион сўмни ташкил этди. Бу 1999 йилга нисбатан 3650,3 миллион сўм ортқ демқдир.
- Туманда электр энергетика, машинасозлик ва металлургия ишлов бериш, енгил, озиқ-овқат ва тиббиёт корхоналари яхши ривожланган. Улар томонидан металлургия ишлов бериш, абразив жиҳозлари, трактор севкалари, қишлоқ хўжалик машиналари учун ахтиёт қисмлар, дори-дармон, тикувчилик ва кондиционер маҳсулотлари, минерал сув ва спиртсиз ичимликлар ишлаб чиқарилади.
- Шу йилнинг беш ойи мобайнида 3 миллиард 375 миллион 700 миң сўмлик капитал маблаг ўлаштирилди. 1 миллиард 873 миллион 700 миң сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. 15 миң 731 квадрат метр турар-жой бинолари фойдаланишга топширилди.
- Туман ҳудудининг 6,5 километрдан иборат масофасида Тошкент метрополитенининг тўртта бекати жойлашган. Булар — «Абдулла Қодирий», «Минор», «Бодомзор», «Ҳабиб Абдуллаев» бекатларидир.

- Тумандаги мавжуд 43 та мактабда 46 миң 485 ўқувчи таълим олади. Уларга 2100 ўқитувчи дарс беради. Учта лицей ва тўртта гимназия фаолият кўрсатмоқда.
- Бугунги кунда ишлаб турган 75 та мактабга болалар муассасалари 13 миң ўрндан ортқдир.
- Туман ҳудудида 4 та олий ўқув юрти мавжуд бўлиб, уларда 15,1 миң талаба таҳсил олмақда.
- Бу ерда бир иш кунда 5800 беморни қабул қила оладиган 19 та оилавий поликлиника, шунингдек 1711 ётиш ўрнига эга бўлган шифохоналар ишлаб турибди.
- Туманда 41,2 миң пенсионерлар бўлиб, улардан 5,8 миң киши ҳозирда ҳам меҳнат фаолиятини давом эттирмақда.
- 13 та клуб, 30 та кутубхонада маданий-оқарув ишлари олиб борилмоқда. 73 та спорт иншоотларидан 4 таси стадион, 61 таси спорт зали, 5 таси эса сузиш ҳавзаларидан иборатдир.

- Яшил ўсимликлар майдони 580,7 гектарга эга бўлиб, ирригация шохобчаларининг узунлиги 510 километри ташкил этади.
- Туманда аҳолига маиший хизмат кўрсатадиган 370 цех ва устaxonалар, шу жумладан, 29 та пойфазал таъмирлаш, 12 та мўйна ва чармдан тайёрланган буюмлар, бош кийимлар, тўқимачилик галантерея буюмларини тикиш ва таъмирлаш мажмуалари мавжуд.
- Нодавлат корхоналари сектори томонидан 2000 йилда аҳолига хизмат кўрсатиш ҳажми 32106 миллион сўмни ташкил этди.

Юнусобод тумани ҳақидаги мақолалар билан газетанинг 2-бетидеги махсус саҳифада танишасиз.

Жаҳонда

- Кеча** Хитой Халқ Республикаси Раиси Цзянь Цзянь Цзянь Москвага таширф билан келди.
- Халқаро валюта жамғармаси Туркияга 1,5 миллиард АҚШ доллари миқдорда кредит ажратишга қарор қилди. Молиявий инқироз домига тушиб қолган бу мамлакатга ҳаммаси бўлиб 15,7 миллиард долларлик ёрдам кўрсатилиши кўзда тутилган.
- Канада Бош вазири Жан Кретьен Россияга келди. У Россия Президенти Владимир Путин ҳамда Бош вазири Михаил Касьянов билан икки томонлама ҳамкорликка доир масалалар хусусида фикр алмашди.
- Аграда Хиндистон -Покистон музокаралари бўлиб ўтмоқда.
- Исроил Бош вазири Ариэл Шарон исроилликларни Жўлон тепалигига кўчиб ўтишга чақирди. Бу ҳудуд 1973 йилги Араб-Исроил уруши даврида Исроил томонидан босиб олинган эди.
- Россия Давлат думаси узок баҳс-тортишувлардан сўнг «Миллият ҳақида»ги Қонуннинг янги таҳририни қабул қилди. Бу сафар кўпчилик — 236 нафар депутатнинг розилик овози билан ўзгартиришларга эришилди. Ҳаётаришлар қонуннинг 7 ҳамда 9-моддаларига киритилган. Унга асосан ички ишлар юқори органлари мансабдор шахсларини Президент мазкур вазифага тайинлашда ва вазифадан озод қилишда. Номзодларни эса ички ишлар вазири кўрсатади.
- Македонияда Фарб мамлакатлари воситачилигиде ҳукумат билан албан жангарилари ўртасида музокаралар олиб борилмоқда. Ҳозирча бирон-бир ижобий натижага эришилганича йўқ.
- Индонезия Президенти Абдурахмон Воҳид мамлакат хавфсизлик кучларига миллий полиция хизмати бошлиги, генерал Биманторони қамоққа олишни буюрди. Хабарларга кўра, армия ва полиция раҳбарияти парламентни тарқатиб юбориш ҳамда мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилиш тўғрисидаги кўрсатмани баҳарийдан бош тортач, у шундай йўл тутушга мажбур бўлган.
- ЕМТ Бош қотиби Кофи Аннан Фазо минтақаси ҳамда Куддус шаҳри атрофидаги фаалстаникларга тегишли турар жой биноларини вайрон этаётгани учун Исроил ҳарбийларини қоралади. Исроил ўзининг бундай хатти-ҳаракатлари билан минтақадаги вазиятни янада кескинлаштирмақда, деди Бош қотиб.
- Ичида беш нафар астронавт жойлашган «Атлантик» космик кемаси Халқаро космик станцияси билан туташтирилди.
- Вьетнам ҳукумати АҚШ ҳарбийларига Вьетнам уруши даврида бедарак йўқолган беш нафар америкалик аскар жасадининг қолдиқларини топшириди. Махаллий матбуотда ёзилишича, жасадлар сўнги бир ярим ой давомида икки мамлакатдан олинларидан тузилган экспедиция томонидан чангалзорларда ўтказилган қидирувлар чоғида топилган.
- Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган «Мусаввир» илмий-ишлаб чиқариш маркази ҳамда «Усто» бирлашмасининг хунармандлари Германиянинг Берлин шаҳрида бўлиб ўтган «Миллатлар фестивали» халқаро ахборот форумида иштирок этди. Маълумки, мазкур фестивалда дунёнинг юзга яқин мамлакатидан хунармандлар қатнашди.
- Халқаро Олимпия Кўмитасининг Москвадаги 112-сессиясида 2008 йилда ўтказиладиган Олимпияда меҳбони аниқланди. Хитой пойтахти Пекин шаҳри Париж, Осака, Торонто ва Истанбулни ортда қолдириб энг кўп овоз олди.
- Ўтган шанба кuni эрталаб Москва остонасида Ил-76 самолёти ҳалокатга учради. Шунинг оқибатида экипажнинг 10 аъзоси ҳаётдан кўз юмди. «Русь» авиакомпаниясиқа қарашли ўшбу самолёт осмонга кўтарилиши биланосқа ерга қулаб тушган. Ҳалокат сабаблари аниқланмоқда.
- Тинч океани узра қувват энергияси билан учидиган Америка самолёти синовдан ўтказилди. Самолёт шовқинсиз учди, бу нарсга ундан ҳарбий мақсадларда фойдаланиш имконини беради.
- Америкалик оилалардан бирида бирданга етти фарзанд дунёга келди. Беш ўғил ва икки қизалоқнинг ҳар қайсиси бир килограммга яқин вазига эга. Чақалоқлар шифокорларнинг қатъий назорати остида турибди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ

Айрим сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш тўғрисида

Айрим сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига сиёсий партиялар ва Халқ депутатлари тегишли Кенгашлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги муроғиф номзодларни рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни ҳамда депутатликка номзодларнинг тегишли округлардан номзодлари овозга кўйилишига рози эканликларни тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11, 24 ва 44-моддаларига муроғиф сиёсий партиялар ҳамда Халқ депутатлари тегишли вилоят Кенгашлари томонидан бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига кўрсатилган қуйидаги номзодлар рўйхатга олинсин:

ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА					
№	Фамилияси, исми, отасининг исми	Турилган йили	Партияга мансублиги	Номзод кўрсатган органининг номи	Ишга турур жойи
1.	Тошмухамедова Дилором Фурқонжонна	1962	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси	Тошкент шаҳри
2.	Ҳамидова Муборак Маликовна	1952	Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси	Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси	Тошкент шаҳри

Тошкент шаҳри, 2001 йил 14 июль

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ

Айрим сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш тўғрисида

Сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни ва депутатликка номзодларнинг тегишли округлардан номзодлари овозга кўйилишига рози эканликларни тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиб, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11, 24 ва 44-моддаларига муроғиф Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига кўрсатилган қуйидаги номзодлар рўйхатга олинсин:

Сайлов округининг сони ва номи	Депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми	Турилган йили, партияга мансублиги, ағзалаб турган лавозими (мамулотнинг тури), иш ва турур жойи	Депутатликка номзод этиб кўрсатилган органининг номи
11-Академик сайлов округи	Джороев Тохир	1947 йил, партияси; Ўзбекистон Республикаси «Фан» наشريети босмахонаси раҳбари; Тошкент шаҳри.	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи
13-«Гулшан» сайлов округи	Муратходжаев Сайфиддин Валиевич	1947 йил; ҲХДП аъзоси; «Узабел» Давлат акциядорлик жамияти бошқаруви раиси — бош директор; Тошкент шаҳри.	ЎзХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
14-«Интизор» сайлов округи	Алишева Шахло Бахтияровна	1970 йил, партияси; М. Улуғбек тумани 383-мактабга таълим муассасаси мудири; Тошкент шаҳри.	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи
25-Себзор сайлов округи	Хошимов Ботир Абдухакимович	1971 йил; партияси; Ўзбекистон Республикаси «Фан» наشريети миллий банки Тошкент шаҳар бўлимида бошқарувчи; Тошкент шаҳри.	Тошкент шаҳар Кенгаши
	Ахмеджанов Маҳаммадjon	1955 йил; ҲХДП аъзоси; «Тошкент трактор заводи» Давлат хисадорлик жамияти бош директори; Тошкент шаҳри.	Тошкент шаҳар Кенгаши
	Усманов Абдукаим Ашурбаевич	1949 йил; партияси; М. Улуғбек тумани «Юлдуз» маданият уйи раҳбари; Тошкент шаҳри.	«Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Миржалилов Дтхамжон Жалилович	1946 йил; ҲХДП аъзоси; С. Раҳимов тумани охиими; Тошкент шаҳри.	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи
	Пуллатов Тинчовой Джуроевич	1944 йил; Адолат СДП аъзоси; С. Раҳимов тумани 326-мактаб директори; Тошкент шаҳри.	«Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши

Тошкент шаҳри, 2001 йил, 14 июль

Қисқара

Мустақиллик тенгдоши бўлиши Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг шохбачалари сони 100 тага етди. Ушбу банкка пойтахтимизнинг ҳудудида мижозлик қилаётганларнинг 74 миңи тадбиркорлардир.

ОНАЛАР ва болалар йили муносабати билан «Камолот» ёшлар иқтисодий ҳаракати ташаббускорлигида 23-Мехрибонлик уйининг иқтисодий тарбияланувчилари яратган ижодий

асарлар кўргазмаси бўлиб ўтди. СОВИР Раҳимов туманидаги «Оймуна» истироҳат боғида 19 июлда туман ҳокимлиги, соғлиқни сақлаш, халқ таълими бўлиmlари ҳамда меҳнат биржаси ҳамкорлигида ёшлар муаммоларига бағишланган тадбир ўтказилди. Айни шу кунларда туманда ушбу тадбирга қизгин тайёргарлик кўрилмоқда.

1998 йилдан буён пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган Япония ҳалқаро ҳамкорлик маркази ташаббуси билан Ўзбекистонлик талабалар ўртасида инглиз тилини мукаммал ўргатиш мақсадида эълон қилинган кўрик-танлов нихосига етди. Ушбу кўрик-танловда голиб чиққан 20 нафар талаба жорий йилнинг сентябридан Япониянинг олий ўқув юртида таҳсил олади.

ЎЗГИ таътилга чиққан талабаларнинг кўнглини ҳордиқ олишлариға кўмак бериш мақсадида ўтган кунни пойтахтимиздаги «Бустел» уяли алоқа компанияси ташаббуси билан хайрия тадбири ўтказилди.

ЎТГАН кунни Тошкент шаҳар Маънавият ва маърифат кенгаши ҳамда «Олтин меърос» жамғармаси ҳамкорлигида Абдулқосим мадрасасида ўтказилган театрлаштирилган томоша миллий кадриятларимиз тими олий бўлими тўй маросимини тарғиб этишга бағишланди.

10 ШУ АЗИЗ ВАТАН — БАРЧАМИЗНИКИ!

Мамакатимиз ўзининг мустақиллик байрамини нишонлайдиган 1 сентябрга санокли кунлар қолди. Юнусобод тумани меҳнаткашлари бу унутилмас кунга қандай ютуқлар билан келмоқда? Бу йил туман ҳаётига қандай ўзгаришлар, янгиликлар олиб кирди? Мана шу саволларга жавоб топши ниятида туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Шукритдин Илёсович Пахрутдиновга мурожаат қилдик.

— Биз учун энг улуг ва энг азиз сана бўлган Мустақилликнинг 10 йиллигини шахримизнинг ҳар бир туманлари ўзига хос тайёргарлик билан қутиб олишга ҳаракат қилляпти. Шу жумладан бизнинг туман ҳам. Бугунги кундаги режалаштирилган ишларимиз орасида асосий эътиборимиз иқтисодий ислохотларни ҳаётга тадбиқ эта бориб кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш, маиший хизмат турларини такомиллаштириш, кўча ва майдонларни ободонлаштириш ва таъмирлаш ишларига қаратилган.

Мустақиллик йилларида туманда кўпалай йирик мажмуалар қўтарилди. Улар сирасига Темурийлар тарихи Давлат музейи, «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи, халқаро мусобақалар майдонига айлانган «Юнусобод» спорт мажмуаси, янги йўллар ва бозорларни қириштириш бўлими. Яна бир йўналишдаги иш бу метро қурилишидир. Маълумки, метрополитеннинг Юнусобод йўналишини мустақиллик кунига фойдаланишга топширилади. Шунингдек, туманда биринчилардан бўлиб «Сайилгоҳ» боғи, туристик коллеж, аёллар академик лицейи ва бошқа мажмуаларни очиб ҳам кўзда тутилган.

— Демак, мустақилликнинг биринчи йилида бошланган жадал суръатлар давом этмоқда... — Суръатни пасайтириш эмас, балки баъзи бир соҳаларда вақтдан ўзиб кетилди. Масалан, туман корхоналари ва ташкилотлари томонидан олинган фойда ўтган йил билан таққослаганда 101,5 фоизга ортди. Ҳозиргача 12 миллиард 331,9 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ўсиш суръатлари 119,2 фоизни ташкил этди. Халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ортди. Бу ўтган йилга нисбатан 109 фоизни ташкил этди. Капитал қурилиш соҳасидаги ўзлаштирилган маблағ ҳам ўтган йилдан ортди, у 17 миллион 305 сўмни ташкил этди. Қора ва рангли металл парчаларини топшириш ишлари ҳам муваффақиятли борапти. Республика бюджети тўловлари 100 фоизни ташкил этди. Муҳлати ўтган дебиторлик қарздорлиги ўтган йилги 260 миллион сўмдан 7,7 миллион сўмгача пасайди.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари бўйича ижобий натижаларга асосан хоржий сармояга эга бўлган «Ўзбэат», «Супертекстиль» кўшма корхонаси, «Айлингидан санъат компани дилекс интерпрайс» корхоналари фаолияти ҳисобига эришилди.

Шунингдек, туманнинг асосий ишлаб чиқаришларида бўлган Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машиналари, «Юлдуз», «Ўзбиофарм» ва бошқа корхоналар халқ истеъмол буюмлари, қишлоқ хўжалик техникаси, металл қирқувчи ускуналар, нон-булка маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажминини сезиларли даражада оширишди. Сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш бизнинг туманимизнинг ҳам, шу билан бирга шаҳарнинг ҳам келгусидаги ўсиши ва ривожланиши учун зарурлигини ҳисобга олган ҳолда биз корхоналарни маҳсулотлар бозорларини ўрганиб, уларнинг буюртма портфелини ишлаб чиқишга йўналтирмоқдамиз. Аҳолини муқим иш билан таъминлаш ва ишлаб чиқариш тармоқларини кенгайтириш масалалари ҳам эътиборимизда.

ЮНУСОБОД ТУМАНИ

КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

— Туманнинг экспорт салоҳиёти масаласидаги фикрингиз... — Бу борадаги ишларимиз жуда мақтовга арзигулик бўлмас-да, лекин баҳоли қудрат ўсиб бораёпти. Буни қуйидаги рақамлар ҳам исботлаб турибди. Экспорт қилинган маҳсулот ҳажми 13 миллион 47 минг долларни ташкил этди. Бу рақам ўтган йилгисига билан таққосланса 185,5 фоизни ташкил этди. Чет элга чиқарилаётган маҳсулотлар ҳақида гап борганда «Супертекстиль» кўшма корхонасининг ип-йиғирув, «Айлингидан санъат компани дилекс интерпрайс» корхонаси томонидан тайёрланаётган қандолат, «Растр» кўшма корхонасининг матбаа маҳсулотларини қайд қилиб ўтиш лозим. Бу ҳуусдаги ишларнинг нақадар муҳим ва зарурлигини ҳисобга олиб, ушбу йўналишдаги алоқалар ва ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан фаол иш юритаямиз.

— Сўхбатимиз бошида сиз метро ва бошқа мажмуалар қурилиши ҳақида гап борган эдингиз.

— Капитал қурилиш тармоғида шу ярим йилликда 17 миллиард 305 миллион 75 минг сўм маблағ ўзлаштирилди. 10 миллиард 732 миллион 540 минг сўмлик қурилиш-монтаж юмушлари бажарилди. Амир Темури, Аҳмад Доғиш, 1-Ҳасанбой ва 2-Ҳасанбой кўчалари атрофида бунёд этилган турар-жойлардан 15 минг 731 квадрат метри фойдаланишга топширилди. Шулар билан биргаликда аҳолига маиший хизмат кўрсатадиган қатор мажмуалар тикланди. Энг улуг ва азиз байрамимиз — Мустақиллик кунига қуриладиган «Сайилгоҳ» боғи, Зоҳидон, Шаҳристон, Юнусобод кўчаларида қалд кўтараятган савдо маиший нуқталаридаги бунёдкорлик ишларини ниҳоясига етказишни режалаштирганмиз.

Бу йил 120 ўринли туғруқхона ишга туширилади. 5-шаҳар болалар клиник касалхонасининг таъмирланаётган корпусларидаги бунёдкорлик ишлари ниҳоясига етади. Ҳасанбой даҳасида маҳалла гузари ва бошқа қатор объектлар фойдаланишга топширилади. Бир сўз билан айтганда, туманимизнинг юксалишида ва ҳаёт олдимизга қўяётган вазифаларнинг ўз вақтида аниқ ва пухта бажарилишида Юртбошимизнинг раҳнамолиги, билдираётган тавсиялари бизни янада яхшироқ ишлашимизга ихломлантирмоқда.


— Юнусобод туманидаги «Юлдуз» ва «Ўзбиофарм» корхоналари фойдаланишга топширилди. Шулар билан биргаликда аҳолига маиший хизмат кўрсатадиган қатор мажмуалар тикланди. Энг улуг ва азиз байрамимиз — Мустақиллик кунига қуриладиган «Сайилгоҳ» боғи, Зоҳидон, Шаҳристон, Юнусобод кўчаларида қалд кўтараятган савдо маиший нуқталаридаги бунёдкорлик ишларини ниҳоясига етказишни режалаштирганмиз.

— Юнусобод туманидаги «Юлдуз» ва «Ўзбиофарм» корхоналари фойдаланишга топширилди. Шулар билан биргаликда аҳолига маиший хизмат кўрсатадиган қатор мажмуалар тикланди. Энг улуг ва азиз байрамимиз — Мустақиллик кунига қуриладиган «Сайилгоҳ» боғи, Зоҳидон, Шаҳристон, Юнусобод кўчаларида қалд кўтараятган савдо маиший нуқталаридаги бунёдкорлик ишларини ниҳоясига етказишни режалаштирганмиз.

Туман тарихидан

Собиқ туман 1936 йилда ташкил этилган бўлиб, Тошкентнинг шимолий қисмида жойлашган. У марказий диебондан — Амир Темури ёдгорлиги манзилдан бошланиб, Тошкент автомобиль Ҳалқа йўлигача боради. Майдон 4236 гектарни ташкил этган бўлиб, 1991 йилга қадар бу ерда 19 та турар-жой, 26 та маҳалла эди. Уларда 293,7 минг киши истиқомат қилган. Туманда 12 та саноат корхонаси, 10 дан ортиқ йирик транспорт ва алоқа муассасалари, «Технолоқ» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, 30 га яқин илмий тадқиқот институтлари, лойиҳалаш ва конструкторлик бюрolari, учта олий ўқув

юрти — Алоқа-электротехника ва автомобиль транспорти йўллари институтлари, Тошкент тиббиёт Педагогика институтлари жойлашган. Ҳозирги кунда Юнусобод тумани худудидидаги Амир Темури диебони, Темурийлар тарихи Давлат музейи, «Шерастон», «Интерконтиненталь» меҳмонхоналари, Тошкент-ленд ва Аква-боғи дам олиш диебонлари, «Юнусобод» теннис корти мажмуаси, Хотира ва «Шаҳидлар хотираси» майдонлари, янги барпо этилган ҳайвонот боғи, «Юнусобод» бозори, шунингдек, Ўрта Осиёда тенги бўлмаган кўприкларнинг бунёд этилиши, Амир Темури кўчасининг қайта таъмирланиши, осмонулар Миллий банкнинг биноси ва бизнес маркази биноларининг қурилиши — республикамизнинг ҳар бир фуқароси ва келган меҳмонларни ҳайратда қолдиришадиган илоҳи йўқ. Қолаверса, Мустақилликнинг 10 йиллиги арафасида бунёд этилган, жаҳон алоқаларига жаноб берадиган сув ҳавзаси, санъат галереяси ва туманда қуриладиган туғруқхона, ниҳоясига етган янги метро бекатлари, тиббиёт, савдо ва маиший хизмат шоҳобчалари истиқлол шарофатидандир. Қисқа 10 йил ичида уй-жой қурилиш масалаларига қаратилган эътибор тақсинга лойиҳидир.



«Кейинги бекат» «Юнус Ражабий»

Тез орада метрополитеннинг диспетчерлик тармоғи орқали узатиладиган ушбу мазмундаги хабар ҳам бошқалар қаторида йўловчилар учун одатий ҳолга айланади. «Мингўрик» — «Юнус Ражабий» — «Абдулла Қодирий» — «Минор» — «Бодомзор» — «Ҳабиб Абдуллаев». Метронинг янги Юнусобод йўналишининг биринчи навбатидидаги шу номлардаги олти бекатни ёрости курувчилари Мустақиллик байрамнинг 10 йиллигига топширишни мақсад қилиб қўйганлар. Ҳозирча эса айна шундай кетма-кет тартибда, ҳар бир бекат бўйича алоҳида метро қурилишининг штаби — «Юнус Ражабий» бекатида мунтазам равишда белгиланган ишлар ҳажми юзасидан ҳисоботлар ва янги вазифалар бўйича йиғилишлар ўтказилмоқда.

— Икки ой мобайнида қилинадиган ишлар талайгина, — дейди «Тошметроқурилиш» трети бошқарувчиси Шокир Солихўжаев. — Шуни ҳисобга олиб, Юнусобод йўналишига 20 дан ортиқ қурилиш ташкилотлари жалб этилган. Агарда ишлаб чиқариш корхоналари, лойиҳалаштириш идоралари ва шу каби барча ҳамкорларимизни ҳисобга оладиган бўлсак, метронинг қурилишида иштирок этувчилар сони 100 дан ортиқ ташкилотга бориб қолади.

Ҳозирги кунда бешта бекатда безак ишлари олиб борилмақда. Айтиб ўтиш жоизки, бу ишларда ўз имкониятларимиздан кўпроқ фойдаланиляпти. Яъни, ҳар доимидек қурилиш ва безак ишлариде асосан мрамардан кенг фойдаланилмақда. Унинг «Зарбон», «Фозгон», «Габро» каби ундан ортиқ турлари бекатлардаги устун, девор, юриш жойларини безашда ишлатилмоқда. Баъзи бекатлар-

нинг шифтлари юмшоқ ва пишиқ металл — алюминийдан ишлаб чиқилляпти. Безак ишлари билан бирга ҳозирда ўтиш туннелларида ҳам монтаж ишлари жадал бораёпти. Хусусан, шамоллатиш, электр, сантехника ва бошқа махсус дастгоҳларни ўрнатиш давом этмоқда. Бу йўналишдаги ишлар деярли ниҳоясига етай деб қолди. Шуни ҳам айтиш керакики, монтаж ишларида пойтахт вилотиини мутахассислари ҳам фаоллик кўрсатмоқдалар.

Умуман айтганда, Юнусобод йўналишини таъриба-синов йўналиши деб аташ мумкин. Чунки унинг айрим участкаларида чўян ишланмалари билан бир қаторда биринчи марта темир-бетон конструкциялари ҳам қўлланилмақда.

Янги лойиҳалар ечими ҳақида гап борганда шуни айтиш мумкинки, аввалги йўналишлардаги айна ҳисобга олинмаган жиҳатлар (масалан, «Пахтакор» ва «Алишер Навоий» ўтиш бекатларида йўловчиларнинг тизиз қатнови назарда тутилмаганилиги сабабли бу жойларда зичлик ҳоллари учраб туради) инобатга олинди. Юнусобод йўналишининг «Юнус Ражабий» ва «Мингўрик» бекатларидан ўтиш майдончалари анча кенг лойиҳалаштирилган.

«Юнус Ражабий» бекати Юнусобод йўналишини Чилонзор йўналиши билан туташтиради. Ўзбекистон йўналишига ўтиш учун Юнусобод йўналиши орқали «Мингўрик» бекатигача боришга тўғри келади. Яъни, Юнусобод йўналишининг ўзидан бирданига икки йўналишга ўтиш мумкин бўлади.

Хуллас, оралик муҳдат яқин. Хамшаҳарларимиз метронинг янги йўналишидан фойдаланадиган кунларга оз қолди.



МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ

Режалар асосида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги марказини ташкил этиш тўғрисидаги Фармонининг бажарилишини таъминлаш мақсадида Юнусобод тумани худудидидаги маҳаллалар, корхонау ташкилотлар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлири, мактабларда маънавий-маърифий ишларни олиб бориш учун 1996 йилнинг август ойида «Маънавият ва маърифат» маркази ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика «Маънавият ва маърифат» Кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги 2385-сонли Фармони ижросини таъминлаш юзасидан эса Юнусобод тумани ҳокимлиги қошида, бу йил бошида туман «Маънавият ва маърифат» услубий маркази очилди. У ўзининг ҳисоб рақамига эга, унда 5 киши фаолият кўрсатади. Марказда миллий истиқлол госяини тарғиб этиш, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига таянчларлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш, «Она ва бола» Давлат дастурини жорий этиш, буюк аломлар ҳамда ислом дини та-

рихини ўрганиш мавзуларида мунтазам тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Туманда маънавият ва маърифат йўналишида ҳозирги кунга қадар социологик тадқиқотлар, сўровлар ўтказилиш орқали туман худудидида яшовчи одамларнинг бой маънавий-маданий мероси, шарқона ва умуминсоний қадриятлар асосида мамлакат, миллат келажигини белгилайдиган илгор гоғларни юзага чиқариш ҳамда ҳаётга тадбиқ этиш, маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

Туман худудидидаги маҳаллалар, олий ва ўрта махсус, ўқув юртлири, мактабларда олиб бориш учун маъруза мавзулари рўйхати ҳамда маърузачилар рўйхати ишлаб чиқилиб, улар асосида чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Корхона ва ташкилотларда маънавий-маърифий машғулотлар ўтказиб борасида шартномалар тузилиб, улар асосида олиб борилмақда.

Тумандаги барча корхона, таълим, маданият, соғломлаштириш ҳамда маҳаллаларда маънавият ва маърифат кенгашлари ташкил этилди.

МАҲАЛЛА

Ҳамжихатлик самараси

Қаерда аҳиллик, тотувлик ва баҳамжихатлик бўлса, ўша ерда барака бўлади, фаолият самарали кечади. Буни Юнусобод туманидаги «Куллуқўрғон» маҳалласи мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Маҳалла фуқаролар йиғинининг раиси Рустам Эргашев маҳалла фаоллари Жўра Нишонов, Тўйчи Исмоилов, Марат Солиҳов, Абдулла Султоновлар билан биргаликда маҳаллада бир қатор ибратли ишларни амалга оширди. Хусусан, ҳар бир хонадонга газ ўлчагич ва сув ўлчагичлар ўрнатилди. Кўчалардаги симё-очлар чироклари янгиланди. Ободонлаштириш ишлари авж олди. Уйдим-чўқур кўчалар қайта таъмирланди. Кам таъминланган оилалар ва 16 ёшгача фарзандлар бор аёллар ўз вақтида нафақаларини оладиган бўдилар. Маҳалла ёшларини миллий қадриятлар ва анъаналар руҳида тарбиялашдек муҳим вазифа ҳам маҳалла фаолларининг эътиборидан четда қолмади. Шу кунларда маҳалла янги режалар асосида иш олиб борилмақда. Бу ерда маҳалланин янги гузарни қурилиши лойиҳаси муҳокама қилинмоқда. Бу ният ҳам яқин кунларда амалга ошади. Бу ишларнинг ҳаммаси маҳалланин ҳамжихатлик ва уюшқоқлик билан иш юритаётганлиги самарасидир.

Мустақиллик ризку рўзим, бахтим бердинг, Бир умрга татигулик тахтим бердинг. Озод ўлка, обод ўлка яратувчи Юргимда шижоат шадхим бердинг.

Ўз юртидан қувилган ул боболарим, Қайтиб келди, нурга тўлди самоларим. Истиклолм шарофати бу ўлкада Базмларга уланди дил наволарим.

Яратганг шукурларки — озод бўлдик, Яна юртни гўзал ҳамда обод қўрдик. Эрк нима-ю, қарам нима, фарқини биз Озодликнинг нашидасин тотиб билдик.

Бунинг бари, билинг, юртим тинчлигидан, Тинчлиги-ю, меҳнати-ю, хурлигидан. Бир-бирини ҳар бир онда қўлагувчи Меҳри дарё ўзбек элим бирлигидан. Абдували ФуЛММАХМУДОВ Халқаро муҳандислик Академиясининг академиги, техника фанлари доктори, профессор. Саҳифани Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ тайёрлади.

МУСТАҚИЛЛИК — ТАҚДИРИМДА

Ватан — она каби муқаддас

Мустақиллик эълон қилинган кун сира эсимдан чиқмайди. Ушанда мен эндигина етти ёшга тўлиб, биринчи синфга қадам қўётган пайтим эди. Мурғак қалбим гарчи Мустақиллик сўзининг туб-тубига тушуинг етмасида, лекин бу сўзининг тағида қандайдир ширин маъно борлигини юракдан ҳис қилган эдим. Йиллар ўтиб бу ҳиссиёт тўлишиб, кенгайиб борди.

Адабиёт ўқитувчимиз кўпинча дарс пайтида «Хўш болалар, Мустақиллик бизга нима берди?» деган савол билан мурожаат қиларди. Биз бир чеккадан санай бошлардик. «Озодлик, эркинлик, миллий қадриятлар...» «Яна, яна», дерди ўқитувчимиз. Санокни давом эттирдик. Бундай ўйлаб қарасак мустақиллик бизга жуда кўп нарсга берган экан.

Дарҳақиқат, мустақиллик биз ёшларга илм олиш учун беқиёс имкониятлар яратиб берди. Тенгқурларимизнинг жаҳоннинг энг тараққий этган давлатларида илм масканиларда билим олаётганлигимиз?

Буллар ҳақида қувониб, фахрланиб қанча гапирсак шунча оз. Шундай экан биз ёшлар бизлар тўғримида қўрсатилаётган бундай гам-хўрликларга амалий ишларимиз билан, жавоб бермоғимиз, бу билан она каби муқаддас Ватанимиз довруғини оламга ёймоғимиз керак.

Бахтиёр ХОЛХЎЖАЕВ

ТАДБИРКОРЛИК

Янгиланаётган корхона

Туманда жойлашган бу корхона фақат ички бозорни импорт маҳсулотлари билан таъминлабгина қолмай, балки чет эл бозорига товарлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бора-сида ҳам изланишлар олиб боришда. Бу масала биринчи навбатда ишлаб чиқаришга замонавий техникаларни олиб кириш жараёни билан боғлиқ. Шубҳасиз корхонани давр талабларига мос равишда таъмирлаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати ва турларини ошириш уни жаҳон стандартларига мослашувига олиб келади. Шу мақсадда «Ўзбиофарм» акционерлик жамияти 1995 йилда хусусийлаштирилди. Бу янгилик ўз навбатида корхонанин тубдан янгиланиши учун қулай имкониятлар яратди.

Бугунги кунда корхонада ТАСИС лойиҳаси доирасида ишлаб чиқаришда уч босқичдан иборат икки йилга мўлжалланган тўла таъмирлаш ишлари бошланган. Ҳозир муҳандислик коммуникацияларини солаш жараёни, ундан кейин эса ишлаб чиқариш биноларини тубдан янгилаш ва замонавий ускуналар билан таъмирлаш вазифаси турбиди.

Бугунги кунда ҳам корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар нафақат республикамизда, балки унинг ташқарисида ҳам ўзининг муносиб баҳосини олмақда.

«Ўзбиофарм» жаҳондаги энг қамбё корхоналардан бири. Ҳамдўстликда эса ягоналиги билан ҳам машҳурдир. Бу ерда тайёрланаётган ноёб препаратларнинг харидорлиги ҳам ана шундан.

ҚУРИЛИШ

Бунёдкорлар ғайрати

Туманнинг Шаҳристон бекатида янги бир даҳа қад кўтармоқда. Бундан 4-5 йил олдин бу ерда бошланган қурилиш ишлари бугунги кунда жадал суръатлар билан давом этмоқда. Туманга сафаримиз давомида бу ерда бўлиб курувчилар билан сўбатлашдик, улар томонидан олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишдик.

Бугунги кунда даҳада ҳисоб бўйича еттинчи кўп қаватли бино тикланди. Ушбу мажмуани Мустақиллик байрамини арафасида фойдаланишга топшириш нияти билан меҳнат қилаётган бунёдкорлар орасида бир қанча қурилиш, пардозлаш бошқармалари, турли касб эгаларини учратиш мумкин. Хуллас, 90 дан ортиқ оилага мўлжалланган бу бинода иш суръати кун сайин ортиб бораёпти.

Бинонинг иккинчи қавати-га кўтарилиб, хоналарнинг қай даҳада жўхсоланиши билан танишар эканмиз, шу бинода истиқомат қилиш ниятида юрган баъзи оила бошлиқлари билан учрашдик.

— Бизга шу турар-жойнинг учинчи қаватидан тўрт хонали уй теккан, — дейди меҳнат фаҳрийси Хамро Одилов. — Шунинг учун тез-тез бу ерда бўлиб тураемиз. Хоналаримизнинг жиҳозланишини кўздан кечириамиз. Бизга шундай қулай ва шинама уйни қуриб бераётган бунёдкорлар меҳнатидан бениҳоя хурсандимиз. Қурувчиларга яратилган шароит билан қизикдик. — Умуми меҳнат қилишимиз учун шароит етарли, — дейди пардозловчи Ҳикмат Қодиоров. — Тушликни шу ернинг ўзида қилаемиз. Ювиниш, дам олиш хоналари мавжуд. Ойлик маошларимизни ҳам вақтида олиб турибмиз. Айна давларда туманнинг Аҳмад Доғиш, 1- ва 2-Ҳасанбой кўчаларида ҳам қурилиш ишлари кенг қўламда олиб борилмақда.

ХИХ асрнинг иккинчи ярмига келиб, Тошкент шаҳри тўрт даҳа ва ўн икки дарбозани ташкил этган. Кўкча, Бешёғоч, Шайхондодухтур ҳамда Себзор даҳаларидан иборат бўлган. Юнусобод худуди шу даврда Себзор даҳасига кирар эди. Юнусобод ўзининг гўзал боғу роғлари, полиз ва мезазорлари билан машҳур бўлган. У шаҳар аҳолисини мева, узум, полиз экинлари, картошка-сабзавот билан таъминлашда катта ўрни тутган.

«Юнусобод» атамаси қаердан пайдо бўлди? 1818 йилда Тошкент шаҳрининг Себзор ва Тахтапўл даҳалари оралиғидаги катта Бузрук маҳалласида яшовчи савдогар ва катта ер эгаси Нодирхон оиласида Юнусоҳжи деган бола дунёга келди. Юнусоҳжи Нодирхон ўли Тошкент, Туркистон — ҳамда Бухородаги мадрасаларда илм олади, форс, араб, кейинчалик рус тилларини яхши ўзлаштирди. У ота мулки бўлган ерларда — катта тоқзор ва мевали боғлар яратган. Салобатли кўрғонлар, карвонсаройлар бунёд этган. Хусусан, Оқтепа, Чинобод, Чоштепа ва ҳозирги Юнусобод марказларида гавжум гузарлар ташкил этишда қатнашган...

Юнусоҳжи вафотидан сўнг ерли аҳоли оқсоқолларининг маслаҳатида биноан бу боғ-роғли маскан 1897-1900 йиллари



Туман чиройига чирой қўшаётган замонавий турар жой бинолари.

Оз-Оз ўтганлиб домо бўлур...

НЕЪМАТЛАР ИЧИДА УЛУГИ НОНДИР...

Қиблагохим Маҳдум Восилининг ҳузурларига кўплаб одамлар келар, ҳар хил саволларни бериб, суҳбатлашиб ўтиришар эди. Отам баъзан вақтларидан қизганар эдилар. Умр бекорга ўтмоқда, ҳали ёзадиган китобларим кўп, дердилар. Уларнинг ҳузурда кўпроқ Чекобод кишлоғидан бўлган бир дўстларининг ўғли Фатхулла Маҳсум бўларди.

Бир кун мен ҳам бор эдим. Фатхулла Маҳсум қиблагохимдан:

— Нон ҳақида ҳам ҳадис борми? — деб сўраб қолди.

Беакнинг олтин жони бўлармиш, Мону дунё танда қони бўлармиш.

Нон бўлмаса танга ундан не фойда, Оқил учун бойлик нони бўлармиш.

— Ҳа, — дедилар падали бузрукворим, — Расулulloҳ: «Акриму-у-хубза», яъни «Нонни эъзозланглар» деб буюрганлар.

Неъматлар ичида улуги нондир, Севимли, тўйимли, қутлуги нондир.

Неъматлар ҳаммаси яхши-ю, бироқ, Баридан хислатга тўлуги нондир.

— Баъзилар паловнинг устидаги гўштнинг устига кўйиб, пичоқ билан майдалайдилар, шундай қилса бўлаверадими? — деб сўради Фатхулла Маҳсум.

— Йўқ, — дедилар отам, — нон азиз бўлгани учун унинг устида гўштни тўғра бўлмайди.

Нон билан одамдод ўсару ўзар, Дўстлуги юксалиш йўлини тузар.

Неъматлар фаровон бўлса кўп яхши, Бирок нон бўлмаса аридек тўзар.

— Бироқ, — деб давом этдилар қиблагохим, — гўшт кўйиб тўғралган нонни шундоқ қолдирмай, ўша онда ейилса баҳарнав мумкин бўлади.

Шу пайт Бобохурросон кишлоғида яшовчи отамнинг мухлисларидан Ориф Маҳсум кириб келди. Бу кишининг отаси 1898 йилги Андижон кўзғолонининг асосчиси Дукчи Эшоннинг бебасига уйланган эди. Дуойи фотиҳадан сўнг, Фатхулла Маҳсум яна саволини давом эттирди.

— Тақсир, бир киши нонни пичоқ билан кесиб бўлмайди, деб айтди, шу тўғрими?

— Ҳа, бу ҳам ноннинг азизлиги туфайли, — дедилар падали бузрукворим, — нонни сндириб ейиш керак.

Доннинг азизлиги бу нон туфайли, Ноннинг азизлиги бу дон туфайли.

Дону ноннинг элда қўлма-қўллиги, Деҳқон деган азиз инсон туфайли.

Шу пайт Ориф Маҳсум ейиш учун нонни қўли билан синдириб эди, ушқоқлари дастурхонга тушди, у ушқоқлари олиб, озгина солиш ўрнига бармоқлари билан бир четга тўплаб қўйди. Бунга назари тушган қиблагохим:

— Ҳадисларда айтилишича, ҳар ким дастурхондаги нон ушқоқларини териб еса, авлодидан жинни ва тентаклар чиқмас экан, — дедилар.

Ориф Маҳсум дарҳол нон ушқоқларини олиб, озгина сола бошлади.

Ноннинг ушоғи ҳам ноннинг ўзи-ку, Нонимиз баданда жоннинг ўзи-ку.

Нонимиз бўлмаса жонимиз ҳам йўқ, Жон эса худди шу ноннинг ўзи-ку.

Ориф Маҳсум ҳам гапга аралашди.

— Тақсир, бу йил дон хар йилгидан кўп бўлади, деҳқонларимиз гайратдалар.

Деҳқоннинг меҳнати донга айланар, Дон эса уйингда нонга айланар.

Кўлингда бир лаҳза ноннинг бўлмаса, Ғам билан юрагинг қонга айланар.

— Омадларини берсин, — дедилар қиблагохим, — деҳқонлар дунёда кўп савоб топадилар, уларнинг меҳнатидан нафақат одамдод, балки қушлар ва қуртуқумурсклар ҳам фойдаланади.

Бировнинг мақсади нон учун кураш, Бировнинг мақсади жон учун кураш.

Ҳаққоний ва аъло мақсад деҳқонда, Деҳқоннинг мақсади дон учун кураш.

— Тақсир, деди яна Ориф Маҳсум, — қотган нон ҳақида сўрамоқчи эдим.

— Қотган нон ҳам нон, уни шўрвага солиб ейилса нақадар ёқимли бўлади, талқон қилиб еса ҳам бўлади, — дедилар отам.

Нон юмшоқ-қаттиқми, барибир нондир, Куввати ўзгармас, лаззатга қондир.

Шунинг-чун ҳар икки томонидан ҳам, Ўқсанг, ўзгармас бир ҳилда «нондир».

— Тақсир, қотган нонни сигирга берса бўладими? — сўрашда давом этди Ориф Маҳсум.

— Сутининг ҳурмати учун берса бўлади, — дедилар падали бузрукворим.

— Эчкигачи? — яна сўради Ориф Маҳсум.

— Сутни учун берса бўлар, — дедилар отам.

— Эшакка берса бўладими, эшак ҳам инсон учун меҳнат қилади-ку? — деди Ориф Маҳсум.

Қиблагохим:

— Бизнинг китобда эшак ҳақида гапирилмаган, — дедилар, сўнг Фатхулла Маҳсумга юзланиб: — Маҳсум, машинанинг борми, Ориф Маҳсумни уйига элтиб қўйинг, — дедилар ва «Омин, Аллоҳу акбар» деб дуо қилиб юбордилар.

Ориф Маҳсум ташқарига чиққан:

— Эҳ, эсим курсин-а, нима қилардим эшак ҳақида сўраб, ахир эшагим йўқ-ку, пайғамбаримиз ҳам: «Кўп савоб беришдан тийилмаглар» деган эканлар, — деганича Фатхулла Маҳсумнинг машинасига ўтириб, жўнаб кетди.

Сўзларинг одамга малол бўлмасин, Пишиқ бўлсин, пухта, маҳол бўлмасин.

Сўрасанг, ўйланиб-ўйланиб сўра, Ичида беҳуда савол бўлмасин.

Маҳмуд ХАСАНИЙ

* Нон сўзи төвқаридан ўқилса ҳам «нон» бўлишига ишора.

ОЛИМПИАДА УМИДЛАРИ

Каратэ бўйича мусобақада — истиқлол тенгдошлари

КЕЧА

шаҳримиздаги МХСК спорт залида «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг ташаббуси билан Ўзбекистон каратэ миллий федерацияси ва Республика Мудофаа вазирлиги билан ҳамкорликда Мустақиллигимизнинг ўн йиллигига бағишлаб 1991 йилда тузилган ўғил ва қиз болалар ўртасида айнан каратэ бўйича мусобақалар ўтказилди.

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг соврини учун ташкил этилган мазкур турнир кенг қамровли бўлиб, унда Қўқоннинг «Бағдод», Фарғонанинг «Самурай», Самарқанднинг «Ургут», Тошкент вилоятининг «Зангиота», Тошкент шаҳрининг «Ал-поминиш», «Камолот», «Азамат Карим», «Пойтахт каратэ маркази», «Александр Пак клуби», «Чукурсой», «Профи» клублари тарбияланувчилари, шунингдек, Қашқадарь, Андижон, Наманган, Сурхондарь вилоятининг ўн ёшли болалардан иборат терма жамоалари аъзолари иштирок этди.

Кўп сонли ишқибозлар йиғилган турнирнинг очилиши ҳам байрамона руҳда ўтди. Мусобақа ташкилотчилари — «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг бош муҳаррири Аббосхон Усмонов ҳамда Ўзбекистон каратэ миллий федерациясининг президенти Нурхон Нафасовлар ёш спортчиларни ҳаётларидаги ушбу унутилмас мусобақада катнашувлари билан қутлаб уларга келгусидаги фаолиятларида омад тиладилар. Ёш

каратэчиларнинг кўргазмали чиқишлари ва қизиқарли концерт дастуридан сўнг мусобақалар бошланди.

Одатга кўра дастлаб яқка тартибдаги ва жамоавий ката бўйича беллашувлар ўтказилди. Қизғин шундаки, шу кунги шаҳримиз «Профессионал каратэ маркази» аъзоларига тенг келадиганлар топилмади. Хусусан, яқка тартибдаги мусобақаларда қизлар ўртасида Ширин Абдуқасимова, ўғил болалар баҳсида Суннат Абдувоҳидовлар (ҳар иккаласи «Профессионал каратэ маркази» клубидан) ҳурмат шохсупасининг энг юқори поғонасидан жой олишган бўлса, жамоавий ката бўйича беллашувларда ҳам ушбу клубнинг ўғил болалар ўртасида «Каратэ-2», қиз болалар ўртасида эса «Мустақиллик» жамоаларининг аъзолари зафар кучиди.

Кумитэ баҳсларида ҳам Ш.Абдуқасимова ва С.Абдувоҳидовларга тенг келадиганлар топилмади. 30 килограмдан юқори вазнда ҳам «Профессионал каратэ маркази» аъзоси Аббосхон Хусанхонов голиб чиқди. Шу кунги шаҳримизнинг «Азамат Карим» клуби аъзолари ҳам кўплаб совринли ўринларни эгалладилар.

Барча голиб ва совриндорларга мусобақа ташкилотчилари «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг бош муҳаррири Аббосхон Усмонов ҳамда Ўзбекистон каратэ миллий федерациясининг президенти Нурхон Нафасовлар ёш спортчиларни ҳаётларидаги ушбу унутилмас мусобақада катнашувлари билан қутлаб уларга келгусидаги фаолиятларида омад тиладилар. Ёш

Дилшод ИСРОИЛОВ



СУРАТДА: мусобақа пайти. Нўмонжон Муҳаммаджонов олган сурат.

ФУТБОЛ ЯНГИЛИКЛАРИ

Аргентина сафаридан

Аргентинанинг Буэнос-Айрес шаҳрида «Бир ўй — бир дунё» шiori остида ФИФАнинг факултодада конгресси ўтказилди. Ушбу конгрессда уйинчиларни трансфер (олди-соти) қилиш ва мақоми тўғрисидаги янги Низом ҳамда мувофиқлаштирилган халқаро тақвими тасдиқлаш, ирчилик кўринишларига қарши кураш масалалари Осиё мамлакатлари футбол федерациялари раҳбарлари иштирокида муҳокама этилди. Ушбу нуфузли футбол анжуманида мамлакатимиз футбол федерациясининг бош қотиби Бахтиёр Раҳимов раҳбарлигидаги футболчилик мутасаддилари ҳам иштирок этишди. Кувонарли жиҳати, ушбу конгрессда футболчилик мутасаддиларининг ҳам миллионлар йўлини ривожлантириш борасидаги таклиф-мулоҳазалари тингланди. Ушбу сафар Ўзбекистон ФФ раҳбарлари учун кўнгилдагидек яқунланди.

Тақвимдаги ўзгаришлар

Маълумки, 4 августда Ўзбекистон кубогининг финали ўтказилди. Бундан ташқари 8 августдаги чемпионат уйинларида бирмунча нуқулалликлар туғилган боис 21, 22-турда қуйидаги ўзгаришлар юз берди. 21-турда «Нефтчи» — «Пахтакор» билан куч синашди. «Андижон» жамоаси эса ўз майдонида «Пахтакор»ни қабул қилди. 22-турда фарғоналиклар «Пахтакор» билан учрашишса, андижонликлар ўз майдонида Бекободнинг «Металлург» жамоаси билан ўйнайдилар. Шунингдек, ишқибозлар 29 июлда ўтказилиши лозим бўлган «Академия» — «Трактор» учрашувини 1 август кун кузатиш имконига эга бўладилар.

Ҳамюртимиз «Ювентус» клубида

Владимир Сальков етакчилигидаги Ўзбекистон клублар терма жамоаси футболчиларининг яқинда Малайзияда 27-мартаба ўтказилган халқаро «Мердека» турнирида 5 учра-

шувни галаба билан яқунлаб голиб сифатида юртимизга қайтишгани ҳақида хабар берганди. Фақат умидли ёш легионерларимиздан ушбу турнирда катнашиши мўлжалланган Илёс Зейтуллаевнинг Малайзияда келолмаганиги ишқибозларни ажаблантирганини айтиб ўтиш жоиз. Чунки 17 ёшли, иқтидорли футболчимиз Москваинг «Академия» клуби аъзоси Илёсдан футбол мутасаддиларига ишқибозларнинг умиди катта. Яқинда хушхабар тарқалди. Италиянинг машҳур «Ювентус» профессионал футбол жамоаси раҳбарияти Илёснинг фаолияти билан қизиқиб, умидли футболчини ўз жамоаларида синов-машғулот уйинларида катнашиши учун имконияти яратиб беришган. Ҳозирда у «Ювентус» таркибига машғулот ўтказаяпти. Агар синов муваффақият билан яқунланса, юртимиз футбол тарихида янги саҳифа очилади. Яъни Европанинг жаҳонга машҳур «Ювентус» клубида биринчи марта ўзбекистонлик футболчи ҳам кучлилар сафида тўп суради.

Хабарингиз борми?

Айни кунларда футбол оламида ўзига хос қисқа танаффус ҳуқуқ сураётгандек туюлсада, аслида Европа мамлакатларининг профессионал клубларида футболчиларини бошқа жамоага трансфер қилиш ёки ўзга жамоадан иқтидорли «чарм тўп» усталарини сотиб олиш жараёни қизгин паллага кирган пайт. Бу каби олди-соти савдосидан Ўзбекистон терма жамоасининг икки моҳир футболчилари — ҳиҷоғчи Олег Пашинин ва ҳужумчи Улугбек Бадоевлар ҳам четда қолишмади. Россиянинг кучли жамоаларидан бири Москваинг ЦСКА клуби аъзоси Улугбек кейинги йилдан Россия пойтахтининг бошқа бир жамоаси «Торпедо» — ЗИЛ-да ўз омадини синов қўрса, Россия пойтахтининг яна бир жамоаси «Локомотив» ҳиҷоғчиси аъзоси Олег Пашинин аксинча 2002 йилдан Осиёнинг кунчиқар мамлақати Япония жамоаларидан бирида тўп суришини очик-ойдин маълум қилди. Чунки Олегнинг фикрича, Япония футболчи кучсиз эмас, аксинча, ҳар бир профессионал футболчи учун яхшигина мактаб вазифасини ўташи шубҳасиз.

Акбар Йўлдошев

САЙИЛЛАР

Кунга кеча шаҳримизнинг сўлим дам олиш масканларидан саналмиш Мирзо Улугбек номидаги маданият ва истироҳат боғида Чилонзор тумани ўсмирларининг катта байрам сайли бўлиб ўтди.



— Миллатимиз давомчилари, келажакимиз ворислари бўлган азиз болақонлар, балогат остонасида турган ўғил-қизлар, — деди тадбири очар экан Чилонзор тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Муаттар Содикова. — Бугунги «Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курашимиз» деб номланган ушбу байрамга хуш келибсиз. Бу байрамда сиз тенгдошларинингизнинг билимда, эҳтида, ҳунарда, топқирликда эришадиган муваффақиятлари билан таънишасиз. Ҳаммагизга омад тилаймиз.

Шу кунги боғда бири-биридан қизиқарли: «Мен нечун севаман Ўзбекистони?» — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллиги тарихи ҳақида ёшлар ўртасида савол-жавоблар виқторинаси, «Истиқлол — меннинг барлигим» — Мустақилликни тараннум этувчи миллий ҳунармандчилик ва халқ иқодиёти намуналари кўргазмаси, «Дунё — болалар нигоҳида» — болаларнинг асфальтга расм чизиш бўйича кўриги, «Фарзандлар соғлом юрт қудратли бўлади» — ёшлар ўртасида спортнинг турли хиллари ва халқ ўйинлари байрам мусобақаси, «Истиқлол — берган мевалар» — тумандаги ёш эстрада санъати намуналарининг чиқиши, «Сиз севаган китоблар» — қизиқарли ки-

«Дунё — болалар нигоҳида»

тоблар савдоси, «Ҳунардан — зар унар» — иш билан банд бўлмаган ёшлар учун меҳнат ярмаркаси, «Хўқуқий маслаҳатхона» — ўспиринларнинг саволларига ҳуқуқшунос жавоблари каби қатор мавзуларда ўтказилган тадбирлар барчага манзур бўлди.

Чилонзор тумани ҳокимлиги, туман вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси томонидан яқинлашиб келадиган ушбу байрамимиз — Мустақилликнинг 10 йиллигига бағишлаб ўтказилган ушбу байрамда иштирок эт-

ган, уларининг она-Ватанга бўлган муҳаббатларини, иштиқли ва ўйларини, севаган касбларини меҳор-муҳаббат билан намойиш этиб голиблиқни қўлга киритган ўғил-қизлар Фаҳрий Ёрликлар ва қимматбахо совғалар билан тақдирландилар. Бутун кун давомида янраган шўх куй ва қўшиқлар барчага манзур бўлди.

Шоира МУҲАМЕДОВА, СУРАТЛАРДА: байрам сайлидан лавҳалар.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.



«ОҚШОМ»ГА ХАТЛАР

Ечимини кутаётган муаммо

Ҳурматли «Оқшом» таҳририяти! Сизнинг газетангиз катта муаммолар ҳақида ҳам ўз мухлисларининг хат-хабарларини босиб, шу муаммоларнинг ечимига катта ёрдам бермоқда. Бунинг учун маҳалла ахлининг раҳматларини етказиш баробарида бизларни ўйлантирадиган бир масалага эътибор беришларингизни илтимос қиламиз.

Яқинда, июнь ойининг охирида теле-визор муравватини бурсам Тошкент шаҳримизни ичимлик сув билан таъминловчи бошқарманнинг бош муҳандиси куйиниб гапирётган экан. Гап шаҳар аҳолисига ичимлик учун бериладиган сувдан тежаб-теграб фойдаланиш ҳақида эди. Бош муҳандиснинг айтишича, шаҳарда ҳозир қувурлар орқали келадиган ичимлик суви исроф қилинмоқда, кўчаларга сепилмоқда, кичик дўконлардан ёнида салқин ичимликларни совутиш учун яшиқлар устидан сув бетўхтов оқиб қўйилмоқда, бу эса ачинарли аҳволга олиб келмоқда. Бош муҳандис шуларни гапириб, бунга чек қўйиш учун жарима тўловини қўллаш лозимлигини таклиф этди.

Ҳақиқатан, бир қараганда ичимлик сувини тозалаб, уни стандарт талабларига жавоб берадиган даражага келтириш учун валюта ҳисобига сотиб олинаётган ноёб кимёвий моддалар ишлатилаётган бир пайтда қимматбахо суви худда-беҳуда сарфлашимиз эҳтига сизга мийдаган бир ҳолдир.

Лекин муаммонинг иккинчи томонини ҳам унутиб бўлмайди. Бизнинг иссиқ иқлимимиз шароитида дов-дарактларни, кўкатлар ва ёрзорларни, қолаверса ҳовлиларимиздаги мева-вали дарактларни сугормасак эртага янашб турган кўчалар, умуман, Тошкентдек гўзал шаҳримиз чўлу биёбонга айланиб қолади-ку!

Буларни сақлаб қолиш учун ҳам сув керак-ку, ахир?

Илгари, биз болалик чоғларимизда, шаҳримизнинг ҳар бир мавзосида, ҳар бир гузар ва кўчаларида ариқлар бўлиб, уларда доим шарқариб сув оқиб турар, ҳамма хонадонлар ўз ҳовлисидаги мева-вали дарактларга, экинларга суви шу ариқлардан олар эди. Ҳозир эса кўп жойларда бу ариқлар ёпиб юборилган, кўп қаватли уйлар атрофида бетон новлар ўрнатилган, аммо айни ёз ойларида уларда бир томчи ҳам сув бўлмайди. Гоҳ-гоҳида бу ариқларда сув кўриниб қолса ҳам уни бетон ариқлардан буриб оқизиш амри маҳол. Эсимда, илгари маҳалламиз ўртасидан ўтадиган Оққўрғон шох ариқидан сув олиш учун «Агидель» ёки «Малиш» деган электр қуввати билан ишлайдиган насослар бўлар эди. Унинг ёрдамида экинларни сугориб, ҳовлига сув селиб, салқин қилиш осон эди. Бугун эса шаҳардаги Салор, Кайковус, Оққўрғон каби канал ва ариқларнинг санитария-гигиена аҳолига қараб бўлмайди. Энг ёмони сув канал ва ариқларнинг тағдиғида оқиди ва ондан сув олиш жуда мушкул. Энг айтган насосларни топиш эса анқонинг уруғини топиш билан баробар. Уларни топган ҳолда ҳам катта ариқ ва каналлар ёнида яшовчи хонадонларгина ишлатишлари мумкин.

Илгари маҳалла ариқлари аҳоли билан шуғулланадиган миқроблар бўлган, улар эл ҳурмати ва иззатида юришган. Балки бу тажрибани қайта тиклаш лозимдир? Ўйлаймиз-ки, сув танқислиги барибир бир кун бўлмаса, бир кун бу муаммони ечимимизни талаб қилади.

Тошкент шаҳридаги Фирдавсий маҳалласи ахли номидан: Матлуба ЁҚУБОВА

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОҚЛАР

Ўқишга марҳамат!

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2001 йилнинг 28 июнида қабул қилган 2001-2002 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасаларининг махсус сиртки бўлимига қабул қилувчиларни тўғрисидаги қарорини амалда бажариши мақсадида ўрта махсус маълумотга ва тегишли таълим тури бўйича камида 3 йил амалий педагогик стажга эга бўлган педагог кадрларни давлат грантлари асосида тест синовлари орқали қабул қилиш ва бақалариятда ўқитиш бўйича ўқишга таклиф этади:

1. Бошланғич таълим ва тарбиявий иш;
2. Муסיқий таълим;
3. Касбий таълим (меҳнат);
4. Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси;
5. Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият

Абитуриентлар қабул комиссиясига куйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

Таълим йўналиши, ўқув тили ва шакли кўрсатилган ҳолдаги ариза;

Ўрта махсус маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;

086-У шакл бўйича тиббий маълумотнома;

3х4 см. ҳажмидаги 6 та фотосурат.

Шунингдек абитуриент томонидан паспорт, ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат ҳамда меҳнат дафтарчаси шахсан кўрсатилади.

Ҳужжатлар шу йилнинг 20 июлига қадар (шу кунги ҳам) қабул қилинади.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 55-70-27, 55-49-33.

Низомий номидаги ТДПУ қабул комиссияси.

Тошкент шаҳар, Яқасарой тумани ҳокимлиги томонидан Салоҳиддин Самадович Халимов номига берилган 1105322-рақамли хусусий тадбиркорлик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Акмал Иқомов тумани 203-мактаб Гулямов Фазлиддин Файзуллаевич номига 2001 йил 23 июнда берган О'Р-А 1145466 рақамли ўрта мактабни битирганлиги тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

БУ АЖИБ ДУНЁ

Омон қолишди

Колумбиялик икки учувчи бир моторли самолётда учиб кетишди-тиб кулаб тушишди ва омон қолишди. АҚШдаги «Женерал электрик» компаниясининг Колумбия бўлимида ишлайдиган икки техник ходими «Сессна» энгил самолётида Колумбия шимолидаги Караколи шаҳрига йўл олишганди. Манзилга оз қолганда, негадир самолёт мотори ўчиб қолди ва қайта ўт олмади. Ноилзо самолётни кўндиришга қарор қилди ва кулай жой танлашга фурсат йўқлиги учун қўлга қўнишга мажбур бўлишди.

Аммо шу билан уларни омон қолди деб бўлмасди. Негаки, қўл тисоҳчилик билан шуғулланарди. Тимсоҳлар уларни ғажиб ташлашга тайёр турарди. Яхшиям ишчилар тезда ёрдамга етиб келишди.

Ажойиб совға